


**UZA** | O'zbekiston  
Milliy axborot  
agentligi



**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА  
ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ**

**(ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)**

**2022 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## **АХЛОҚНИНГ МАЪНАВИЙ ЙЎЛИ ВА ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАШ**

**Шодмон Файзуллаевич ЖЎРАЕВ**

ўқитувчи

Бухоро Давлат Университети

Бухоро, Ўзбекистон

**Акбар Ахтамович АЛЛАМОВ**

ўқитувчи

Бухоро Давлат Университети

Бухоро, Ўзбекистон

### **Аннотация**

Мусулмон дунёсида инсоннинг маънавий-ахлоқий қарашлари билан бир қаторда унинг ҳақиқатни билиш йўлидаги тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Буларнинг ҳаммаси инсондан жуда кўп меҳнат, машаққат, изланиш ва тизимли изчил билимни талаб қилади. Ислом динида шундай ғоялардан бири сўфийлик таълимоти тизимидир. Сўфийлик бўйича XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошида кўплаб фундаментал илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу мақола сўфийликнинг айрим элементларига бағишланган.

**Таянч сўзлар:** ислом, шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат, сўфийлик, адепт, билиш, дарвишлик, тарбия, ахлоқ, жамият.

## **ДУХОВНЫЙ ПУТЬ ПРАВСТВЕННОСТИ И ПОСТИЖЕНИЕ ИСТИНЫ**

**Шодмон Файзуллаевич ЖУРАЕВ**

Преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

**Акбар Ахтамович АЛЛАМОВ**

Преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

### **Аннотация**

В мусульманском мире особое внимание уделяется вопросам духовного воспитания, нравственности, постижения настоящей истины. Все это требует очень много духовного труда, усердия, поиска и системного учения. В исламе такими системными учениями являются идейные системы суфизма. Во второй половине XX века и в начале XXI века по теории суфизма были создано очень много фундаментальных трудов. Это статья посвящена некоторым элементам духовного воспитания суфизма.

**Ключевые слова:** ислам, шариат, тариқат, просвещение, истина, суфизм, адепт, познание, аскетизм, воспитание, нравственность, общество.

Барча динлар каби ислом дини ҳам жамиятнинг ғоявий, маънавий ва ахлоқий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Ҳаётнинг бу соҳаларида инсоннинг олами билиш жараёни жуда муҳим ўрин эгаллайди. Инсоннинг билиш фаолияти ўзига хос жараён сифатида исломда ўзгача намоён бўлади. Бу исломнинг “маърифатпарвар дин” сифатидаги моҳиятида кўзга ташланади. Исломдаги билиш жараёнида инсон якка шахс ҳолатидан ижтимоий шахс ҳолатига ўтиб боради [3;551б]. Исломдаги билиш жараёнига Тариқат асослари орқали ўтиб борилади. Тариқат арабчада “йўл” маъносини англатади [5;161]. Бошқа диний маърифат тизимларга нисбатан олганда Тариқат бу руҳий тартиб ва руҳий таълим асослари кучлилиги билан ажралиб туради. Тариқат адептнинг мистик билим олиш жараёнида уни ҳақиқатга олиб борувчи бир илоҳий йўлдир.

Тариқатда инсоннинг ақл йўналиши турли-туман йўналишларда бўлсада у илоҳий тарзда аниқ тус олиб боради. Инсон ақлининг илоҳий нур билан ёрқин тус олиб бориши ва унинг Олий Ҳақиқатга интилиши исломда сўфийлик деб аталади. Сўфийлик атамаси фанда кенг ёритилгандир. Аслини олганда сўфийлик муриднинг илоҳий тарзда Оллоҳ билан якканишин бўлиши ва ўзидаги салбий жиҳатлардан воз кечиш йўлидаги саъий ҳаракатларидан иборатдир. Нисбатан кенг маънода бу кейинчалик тасаввуф атамасига айланиб борди [6;420].

Тариқатда Олий Ҳақиқатга эришиш йўли ўзига хос бўлиб, у қуйидагича асосларга эга бўлади:

- Фақирлик – бу фақирликка даъват этишдир.
- Аш – шабах – илоҳий шаффофликни тарғиб этиш.
- Зухд – таркидунёчилик.
- Тафаккур – зикр билан банд бўлиш.
- Таваккул – Оллоҳга таваккал қилиш.
- Назар – қалб кўзи билан Оллоҳга назар.

Ушбу тизимдан Олий Ҳақиқатга етиш йўлининг қуйидаги манзиллари шаклланиб боргандир:

- Шариат – мусулмонлар томонидан ислом қонунларининг қатъий бажарилиши.

- Тариқат – муршид олдида ҳақиқий итоатда бўлиш ва уни илоҳий раҳнамо сифатида қабул қилиш.

- Маърифат – Оллоҳни ақл билан эмас, балки қалбдан ҳис этиш.

- Ҳақиқат – Олий Ҳақиқатга тўлиқ етиб бориш.

Одатда инсоннинг ўзини тутиши аксарият ҳолатда унинг онг ости таъсири билан бевосита боғлиқ бўлади. Сўфийликка кириш арафасида инсон ғоявий қарашларида тана истаклари устивор бўлади. Кейинчалик инсон унга қарши кураш натижасида, аста-секинлик билан уни сўндириб боради. Бунинг натижасида эса Ҳақиқатнинг кирралари аста-секин очилиб боради. Сўфийликда муриднинг жамиятдаги ҳаёти дарвишлик ва таркидунёчилик натижасида инсонлар наздида нисбатан қийинроқ кечади.

Агар мурид жамотчилик орасида ҳақиқат уйғунлигига эришса, бу мусулмон учун мукамал таълим тизими ҳисобланади [2; 137]. Агар сўфийнинг ўз атрофидагилари билан муомаласи ёмон бўладиган бўлса, унга касал одам сифатида қарайдилар. Агар ким Оллоҳ йўлида жамоатчиликдан воз кечишни бошласа, у одам нотўғри одам сифатида баҳолангандир. Бундан шу келиб чиқадики, инсон Олий Ҳақиқатга эришиш йўлида жамоатчиликдан воз кечадиган бўлса, у айнан шу Ҳақиқатдан чалғиб кетган бўлади. Атрофдаги одамлар доирасида ўз истак ва ҳисларидан воз кеча олиш, уларни жиловлаш эса мурид учун ҳақиқий илоҳий синов ҳисобланади. Агар шунга амал қиладиган бўлса, муридга нисбатан атрофдагилардан келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар таъсири шунча кам бўлади. Бунда муриднинг сабрсизлигига чуқур танқид назари билан қаралган.

Сўфийнинг атрофида яшаётган одамларнинг кўпчилиги одатда унда ҳаёт кечираётган муриднинг илоҳий ҳолатларини тасаввур эта олмайдилар. Чунки улар муридни интуитив англаш ҳолидан жуда узоқда бўладилар. Шу сабабли ҳам кўп ҳолатларда мурид учун уларнинг фикр-мулоҳазаларининг аҳамияти йўқдир.

Сўфийликда ўз тана истакларидан озод бўлиш инсон мукамаллигининг кўриниши ҳисобланади. Бундай ҳолатда инсон танаси табиий жиҳатдан ўз эркинлигини йўқотади ва илоҳий кучлар таъсири остида бўлади.

Тасаввуф дунёқараши бўйича оддий инсон доим ўзининг истак ва ҳирслари таъсири остида бўлади ва унинг руҳи айнан шу истак ва ҳирслар таъсири натижасида азобда бўлади. Ушбу азоблар натижасида инсоннинг билими тўлақонли бўлмайди ва у Олий Ҳақиқатга бора олмайди. Бундай бўлмаслиги учун эса инсон ўз фикрини соғломлаштириб туриши лозим бўлади. Бу эса ўз ҳирс истакларини эзгу ниятларга айлантириш орқали амалга ошиши мумкиндир. Бу инсон учун жуда фойдали ўзгаришдир. Чунки бунда инсон руҳияти анча тозаланади. Одатда бу ўзгаришлар ўзини тийиш, рўза, зикр ва дуо – мурожаатлар сифатида амалга оширилади. Тариқатда эса инсон руҳиятини тозалашнинг ўзига хос йўллари ишлаб чиқилгандир. Бунда инсон руҳиятининг салбий жиҳатлардан ижобий жиҳатларга томон илоҳий трансформациясига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу трансформация натижасида инсондаги пасткаш жиҳатлар аста-секинлик билан тоза эзгу жиҳатларга айланиб боради.

Оддий ҳаётда одатда инсон ўзининг жисмоний истак-майлларини ва эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қилиб келади. Бу эса унинг турли нафсларига йўл очиб беради. Фақатгина ушбу нафсларга қарши аёвсиз курашгина инсон руҳияти тозаланишига имкон ярата олади.

Инсон руҳиятининг тозаланиши ва унинг юксалиши ундаги ҳиссиётларнинг тинчланиши ҳамда руҳнинг хотиржамлигига кенг йўл очиб беради. Унда инсон руҳи анча юксак ижодий хусусиятларга эга бўлиб боради [11;242- 26-50], [10; 26-28], [8; 12-14], [7; 13-17], [9;240-255]. Инсон руҳининг тозаланиб мукамал тус олиб бориши унинг Олий Ҳақиқатга эришишига кенг имкон беради. Инсон руҳининг Олий Ҳақиқатга етиб бориши эса уни илоҳий комиллик даражасига олиб чиқади. Комилликка эришиш инсон қалби назари очилиб бориши билан унинг дунёқарашини бутунлай ўзгартириб юборади.

Тасаввуф йўналишида мурид учун хос бўлган қуйидаги сифатлар белгилангандир:

1. Мурид ўз устозининг имо-ишоралари ва гапларини дарров илғаб олиши учун зарур бўлган зеҳнкор ақлга эга бўлиши лозимдир.
2. Барча ўғитларни аниқ бажариш учун муриднинг ўз устозига тўлиқ садоқатли бўлиши.
3. Мурид ўз устози айтган гапларини, фикр-мулоҳазаларини англаб олиши учун жуда фаросатли бўлиши.
4. Устоз илоҳий сўзлари қалбдан аниқ жой олиши учун мурид руҳининг тоза бўлиши.
5. Муриднинг ўз нутқида тўғрисиўз ва ҳақиқатпарвар бўлиши. Ёлғончиликдан тўлиқ воз кечиш.
6. Мурид томонидан ўз сўзининг устидан чиқиши. Мард бўлиши.
7. Муриднинг ўз мол-дунёси ва шахсий мулкларидан Оллоҳ йўлида воз кечишга доим тайёр бўлиши.
8. Мурид тилини тия олиши ва сирларни сақлай олиши зарурдир. Салбий мазмундаги турли давра суҳбатларидан йироқ бўлиш.
9. Мурид бошқа валийлар ва айниқса ўз устозининг маслаҳатларига ҳамда истакларига жуда эътиборли бўлиши, уларни қалбдан қабул қилиши лозимдир.
10. Мурид ботир ва кўрқмас бўлиши, зарур бўлганда эса ҳатто ўз жонини Олий Ҳақиқат йўлида қурбон қилишга ҳам тайёр бўлиши талаб қилади [4;17].

Ушбу жиҳатлар мурид албатта бажариши лозим булган мажбуриятлар ва тасаввуфда Олий Ҳақиқатга етишнинг асосий жабҳалари ҳисобланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги шартли хулосаларни келтириш мумкин:

- Ислом дини дунёқарашнинг глобал тизими сифатида жуда катта илмий-тадқиқот имкониятларига эгадир. Ундаги илоҳий тадқиқотларнинг

аксарият асосларида Олий Ҳақиқатга етиб бориш бўйича изланишлар ташкил этади;

- исломдаги Олий Ҳақиқатни англаш тизими бу руҳиятнинг тозаланиб бориш йўлидир. Инсон интилишининг бу тизими Тасаввуф деб аталади. Тасаввуф манзиллари эса Шариат, Тариқат, Маърифат ва Ҳақиқатдан иборатдир. Айти шундай руҳ тозаланиши манзилидаги хатти-ҳаракатлари натижасида сўфий Олий Ҳақиқатга эришади;

- инсондаги руҳий тозаланиш жараёни унинг ўз нафс-майлларига қарши кураши билан бошланади. Бу кураш натижасида инсондаги салбий жиҳатларнинг ижобий жиҳатларга ўтиб бориши бир неча поғоналардан иборат бўлади. Бундай трансформация натижасида инсонда эзгулик жиҳатлари унинг руҳиятида устивор бўлиб боради;

- инсон тасаввуф илми поғоналаридан ўтиб борар экан ундаги табиат ато этган руҳий энергия эзгу тус олиб боради. Айти шундай энергия орқалигина инсон Олий Ҳақиқатнинг мазмун-моҳиятини англаб олиши мумкин.

Тараққиёт тезкор тус олган ҳозирги замонда ўзининг ижобий таъсири жиҳатидан тасаввуф ғоялари анча самарали аҳамиятга эгадир. Бунинг долзарблиги эса қуйидаги йўналишларда акс этади:

- ҳозирги замон ёшларида комил инсон тарбияси қирраларини шакллантириб бориш;

- турли-туман диний дунёқарашлардаги ғоявий ва мафкуравий фарқларга ойдинлик киритиб бориш ҳамда айрим жаҳолат оқимларига қарши кураш олиб бориш;

- ислом маърифатпарварлигини ривожлантириб бориш ҳамда жамиятда эзгулик ғоялари тарқалишига имкон яратиш;

- ҳозирги даврда ёшлар онги ва шуурига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларга (оммавий маданият, космополитизм, сепаратизм, миллатчилик, наркомания, алкоголизм, эгоизм, карьеризм, зўравонлик, экстремизм, ахлоқсизлик кўринишлари, интернет тизимидаги турли хавфли ва маънавий

бузук сайтлар ҳамда саҳифалар таъсирлари) қарши курашда ушбу ғояларнинг аҳамияти беқиёсдир;

- тасаввуф гуманизм характериға эғалиғи туғайли инсонларда инсонпарварлик, бағрикенглик, сабр-тоқат, камтаринлик, иймон-этиқод ва ватанпарварлик каби фазилатларни шакллантиришға кенг имкон яратади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Акимускин. О.Ф. Суфийские братства: сложный узел проблем. – Москва, 1989. – 480 с.
2. Бертельс. Е.Э. Избранные труды. Суфизм. – Москва: Наука, 1965. – 527 с.
3. Введение в философию. – Москва: Политиздат. 1989. – 640 с.
4. Википедия. Свободная энциклопедия. Суфизм. – 2002. – 30 с. Iex.uz
5. Ислом. Справочник. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987. – 207 б.
6. Исмоилов М., Шаропов А. Тарих атамалари луғати. – Тошкент: Академнашр, 2013. – 557 б.
7. Кузнецов. В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. – Москва: Наука, 1991. – 127 с.
8. Полани М. Личностное знание. – Москва: Прогресс. 1995. – 142 с.
9. Практика – познание – мировоззрение. – Киев: Наукова думка, 1980. – 270 с.
10. Учебно-методологический модуль по предмету “Методология научного творчества”: Для студентов магистратуры. – Ташкент: Фан, 2004. – 58 с.
11. Хайруллаев М.М. Мировоззрение Фараби и его значение в истории философии. – Ташкент: Фан. 1967. – 354 с.